

## ШАРТНОМА № 8

(озик овқат махсулотлари ва товар моддий бойликлар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш ҳақида)

5 январь 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама хужалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «BUSINESS COMPANY INVEST» МЧЖ (кейинги уринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари Р.П. Бобуров биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда уз Низомига асосан фаолият юритувчи Мактабгача таълим бўлими номидан раҳбари в.в.б О.Зияева (келгусида «Харидор» деб аталади) урталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Сотувчи» шартноманинг 1,2, бандида кўрсатилган махсулотларни белгиланган муддатларда «Харидор» га сотишни, «Харидор» махсулотни қабул қилишни ва ҳақини ўз вақтида тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. «Сотувчи» жадвалда кўрсатилган қуйидаги махсулотларни «Харидор» га сотишни ўз зиммасига олади.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Махсулот қиймати	ККС	Сумма
1	Ун 1-нав	кг	3765	3600	13554000		✓13554000
2	Горох	кг	1405	8000	11240000		✓11240000
3	Гречка	кг	1430	16000	22880000		✓22880000
4	Перловка	кг	1227	8000	9816000		✓9816000
5	Макарон	кг	1670	6000	10020000		✓10020000
6	Манни крупа	кг	173	7500	1297500		✓1297500
7	Шакар	кг	4169	9000	37521000		✓37521000
8	Повидло 1/1	кг	1548	12000	18576000		✓18576000
9	Сариёғ	кг	3253	42500	138252500		✓138252500
10	Усимлик ёғи	кг	1662	18000	29916000		✓29916000
11	Сг.молоко	кг	2196	19000	41724000		✓41724000
12	Кефир	дона	8500	6000	51000000		✓51000000
13	Сметана	литр	789	12500	9862500		✓9862500
14	Творог	кг	3092	18000	55656000		✓55656000
15	Пишлоқ	кг	1473	23000	33879000		✓33879000
16	Томат 1/1	шт	1346	22000	29612000		✓29612000
17	Карам	кг	1960	2000	3920000		✓3920000
18	Олма	кг	13725	7000	96075000		✓96075000
19	Кўк чой	кг	77,5	30000	2325000		✓2325000
20	Какао	кг	109	42500	4632500		✓4632500
21	Ош тузи	кг	810	2000	1620000		✓1620000
	Жами				233790000		623379000

1.3. Шартноманинг умумий баҳоси 623379000 (олти юз йигирма уч миллион уч юз етмиш тўққиз минг) сўмни ташкил этди.

### 2. ТАРАФЛАРНИ ХУКУЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

#### 2.1. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

- Ушбу шартномани 6.2 бандида кўрсатилган муддатларда ҳисоб китоблар амалга оширилишини «Харидор» дан талаб қилишга;
- «Харидор» шартнома шартларини бузган ҳолда махсулотни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортса, «Сотувчи» шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарни қоплашни талаб қилишга;
- «Харидор» томонидан махсулот учун ҳисоб китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир;
- «Харидор» шартномани 6.2 бандида белгиланган мажбуриятни бажармаса, «Сотувчи» махсулотни ўз ихтиёрига кўра сотиш ва ушбу сотишдан кўрилган зарарни «Харидор» дан талаб қилишга ҳақлидир;

#### 2.2 «Сотувчи»нинг мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган махсулотни «Харидор» томонидан берилган буюртмада кўрсатилган микдорда ва муддатларда ўзига тегишли бўлган омборидан бериш; (сотиш).
- Етказиб берилаётган махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартномага мос қилишини таъминлаш;

в) «Харидор» га етказиб берган хар кунги махсулоти учун 2 нусхада хисоб фактура такдим килиб борилади. Ой якунида тўлик етказиб берилган махсулоти учун МТБ марказий хисоб хонасига якуний хисоб фактура такдим этиши лозим;

г) Махсулотга тўлов ёки товар транспорт хужжатларини махсулот қабул қилинган куни расмийлаштириш бериш;

д) «Сотувчи» махсулотни етказиб беролмай қолган қисмини ушбу ҳолат аниқлангандан кейин 10 кун ичида етказиб бериш лозим;

е) Агар «Сотувчи» шартномани 1.2.бандида кўрсатилган мажбуриятларни узрли сабабларга кўра бажара олмаса, 2022 йил 20 январгача «Харидор»га сабабларни тасдиқловчи хужжатларни такдим этиш;

ё) Махсулот сотиш бўйича шартномавий режалар бажарилмаган ҳолатларда, «Харидор»га тўланган маблағлар бўйича қарздорликни қоплаш;

### 2.3. «Харидор»; нинг ҳуқуқлари

Махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартларга мос келишни «Сотувчи»дан талаб қилиш; «Сотувчи»дан ушбу шартномада кўрсатилган махсулотни буюртмага асосан ўз вақтида ушбу шартномада кўрсатилган манзилгоҳда топширишни талаб қилиш;

Зарур сифатга мувофиқ бўлмаган махсулот етказиб берилганда «Харидор» ўз хоҳишига кўра «Сотувчи»га махсулотни қайтариш;

Зарур сифатидаги махсулотни «Сотувчи» ўз хисобидан Харидорга қайта етказиш;

Муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган махсулотни қабул қилишни рад этиш.

«Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани талаб қилишга ҳақлидир.

### 2.4. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

а) Махсулот қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддат ва тартибда махсулот учун тегишли ҳақни олдиндан 30% миқдорида тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

## 3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

3.1 Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3.2 Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

3.3 Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, боғхо-а расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдаи олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг қилиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг етказиш

хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазйик ўтказиш ёки тахдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

3.4 Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

3.5 Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

3.6 Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳавда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

#### **4. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларга мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак;

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминланса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади;

4.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги махсулотни қабул қилиш бўйича якуний ҳужжатлар тузилган сана «Сотувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Якуний ҳисоб китобларни тўлов ҳужжатидаги банк муассасасидаги штампда кўрсатилган сана махсулотга ҳақ тўлаш бўйича «Харидор» томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Олинadиган туркумдаги махсулот учун тегишли бўлган ҳақ «Сотувчи»нинг банк ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг, «Сотувчи» томонидан ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртмада кўрсатилган миқдордаги махсулотни «Харидор»га тегишли юк хати асосида етказиб беради.

4.4. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган миқдордаги махсулот берилган буюртмалар асосида етказиб берилади.

4.5. Махсулотни етказиб бериш учун буюртма тегишли туркумларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртмани чопар орқали қабул қилишда «Сотувчи»нинг ходими «Харидор»да келадиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилганлиги ҳақида белги қўяди.

«Харидор» илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд махсулотни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Сотувчи»ни буюртмада кўрсатилган сана бошланишидан камида 5 кун олдин хабардор қиладди.

4.6. «Харидор» махсулотни қабул қилишда, уни сони ва сифатини жойида кўриши шарт, махсулот қабул қилиниб юклашгандан кейин, унинг сақланишига «Харидор»нинг ўзи жавоб беради.

#### 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ.

5.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган махсулотни сифати ГОСТ, ТШ талабларига жавоб бери таъминлайди, махсулотни тегишли сифат сертификатлари билан етказиб беради.

5.2. Махсулотни сотиб олгандан сўнг унинг сифати бўйича жавобгарлик Харидор зиммасига ўтади.

#### 6. МАХСУЛОТ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Махсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6.2. Махсулот етказиб беришга тайёр бўлганлиги тўғрисида «Сотувчи» «Харидор»ни ёзма рави хабардор қилгандан сўнг «Харидор» етказиб бериладиган туркум махсулот баҳосини 30% миқдорда олдин, ҳақини тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига ола

6.3. Агар етказиб берилмаётган махсулотга (хом ашё, ёрдамчи материаллар, электр энергия, газ ва хоқа кетадиган сарф харажатлар нархи ўзгарган ҳолларда, ушбу махсулотнинг нархи ўзгартирилиши мумкин.

#### 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Махсулот бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги, тўлиқ етказиб берилмаганлиги уч «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир мажбурият бажарилмаган қисмини 0.5% миқдорда пен тўлайди, бунда умумий суммаси етказиб берилмаган махсулот суммасининг 50%дан ошмаслиги лозим.

7.2. Махсулот сифати ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган махсулот етказиб берилганли учун «Сотувчи» «Харидор» га ушбу махсулот баҳосининг 5% миқдорда жарима тўлайди.

7.3. Бут бўлмаган махсулот етказиб берилганлиги учун «Сотувчи» «Харидор» га етишмаётг қисмлари қийматини қўшган ҳолда, бут бўлмаган махсулот қийматининг 20% миқдорда жарима тўлайди.

7.4. Етказиб берилган махсулот танлаб олмаганлиги ёки танлаб олишни асоссиз рад этганлиги уч «Харидор» «Сотувчи» га танлаб олинмаган махсулот баҳосининг 5% миқдорда тез бузиладиган махсул учун эса 10% миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Шартномада кўрсатилган махсулот учун вақтида ҳисоб-китобни амалга оширмаганлик уч «Харидор» «Сотувчи» га ўтказиб юборган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0.4% миқдорда пеня тўлайд бунда пеня суммасини кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаслиги керак.

#### 8. ФОРС МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яни фавқулодда ва муайян шароитлард олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа таби офатлар ва хоказо) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажарилганлигини (форс мажор ҳолатини исботласа, жавобгар бўлмайди.

#### 9. НИЗОЛАР ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномани бажарилиш тартиби юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида хал этилади.

9.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган низолар хўжалик суди томонидан хал қилинади.

#### 10. ШАРТНОМАНИ БОШҚА ШАРТЛАРИ.

10.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради, шартноманинг муддати 2022 йил 31 декабргача тўла ижро этилгунга қадар амалда бўлади.

10.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади ва ҳар иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланади. Ҳазначилик бошқармаси (бўлим) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

10.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

#### 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

##### СОТУВЧИ

«BUSINESS COMPANY INVEST» МЧЖ

Бағдод тумани

Х/р: 20208000805128372001

Бағдод АТИБ Ипотека банк Фарғона филиали

МФО: 00544 ИНН: 306730432

Телефакс:



Раҳбар:

Р.Ғофуров

##### «ХАРИДОР»

Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими

Бағдод тумани Тел. 479-12-50

Шх/р: 1000228603020970911002510038

СТИР: 305153881 Оконх:

Молия Вазирлиги Ҳазначилиги ягона

Газна ҳисоб варағи МФО 00014

Х/Р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳар

бош бошқармаси ХККМ

Ҳазначилик бўлиммаси СТИРи 201122919



Раҳбар:

О.Зияева

## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**1.Loyihaning turi – Shartnoma.**

**2.Loyihaning nomi-** Bag'dod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi bilan "BUSINESS COMPANY INVEST" МЧЖ о'rtasida oziq-ovqat mahsulotlari va tovar moddiy boyliklar, xom-ashyo va materiallar sotib olish haqida.

**3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Bag'dod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 12 yanvar kuni elektron tizim orqali taqdim etilgan.

Taqdim etilgan shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni hamda Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 25 iyuldagi 626-son Qarori bilan tasdiqlangan "Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida sog'lom ovqatlantirishni tashkil etish tartibi to'g'risida" gi Nizomning 36-bandi 2-qismi talablariga muvofiq tuzilgan.

**Bag'dod tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**

R.Umarov

